МЎҒУЛИСТОН ҲУКМДОРИ АМИР ҚАМАРИДДИННИНГ 1376 ЙИЛГИ ФАРҒОНА ЮРИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Б.Усмонов

Мақолада Мўғулистон ҳукмдори Амир Қамариддин томонидан уюштирилган 1376 йилги Фарғона юриши ва унинг оқибатлари тарихий манбалар асосида таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: *Амир Темур, Баҳром Жалойир, амир Ҳамди, Амир Қамариддин,Умаршайх мирзо, Фарғона водийси, Андижон, Хўжанд, Ўзганд, Мўғулистон, Еттисув, Қошғар, мўғул қабилалари, доруға.*

В статье на основе исторических источников проанализированы результаты и последствия похода, организованного монгольским правителем Амиром Камариддином в 1376 году в Фергану.

Ключевые слова: *Амир Темур, Бахрам джалаир, Амир Хамди, Амир Камариддин, Умаршайх мирза, Ферганская долина, Андижан, Ходжент, Узген, Моголистан, Семиречье, Кашгар, монгольские племена, доруга.*

In the article the results and consequences of the compaign organized by Amir Khamariddin the ruler of Mangalia to Ferghana in 1376 are analyzed on basic of historical sources.

Key words*: Amir Temur, Bakhrom Jaloir, emir Khamdi, Amir Khamariddin, Umarshaikh Mirzo, Ferghana valley, Andijan, Khujand, Uzgand, Mongolia, Yettisuv, Kashgar, the tribes of mongol, dorukha.*

Маълумки, 1376 йили Амир Темурга қарши Хўжанд ҳокими Одилшоҳ жалойир, Андижон доруғаси Амир Ҳамди ва бошқа бир неча йирик амирлар иштирокида исён кўтарилади. Айнан шу исён Фарғона водийсининг маъмурий тузилишида катта ўзгаришларга олиб келди. Аввало, Хўжанд беклиги тугатилди ва у ерда яшовчи жалойир қабиласи Мовароуннаҳр бўйлаб тарқатиб юборилди. Хўжанд беклиги ва амир Ҳамди бошчилигидаги Андижон вилояти бирлаштирилиб, ягона Фарғона мулки сифатида Умаршайх мирзога суюрғол қилиб берилади.

Умаршайх мирзога Фарғона водийсининг суюрғол қилиб берилиши Шарафуддин Али Яздийда «амирзода Умаршайхни Андижонга йибарди» сўзлари билан изоҳланган бўлса [1.80], Низомиддин Шомийда фақат Умаршайхнинг Андижон шаҳрида эканлиги қайд этилади [2.100]. Муниддин Натанзий бу воқеани кенг ёритиб беради. «Олам Шаҳзодасининг саъй-ҳаракатлари туфайли тўла ғалаба муяссар бўлгач, - деб ёзган эди муаллиф, - жулду (инъом) тариқасида Ўзжанднинг ўн икки тумани ҳазратга иқтоъ қилиб берилди ва жаҳон бўйсунувчи фармонга мувофиқ амирзода ул тарафга отланди» [3.191]. Натанзий маълумотининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда Умаршайх мирзога берилган Фарғона водийсининг ўн икки тумандан иборат эканлиги қайд ҳам этилган.

Гарчи Фарғона водийсининг ягона улус сифатида ташкил этилиши унинг мудофаа қобилиятини кучайтирган бўлса-да, бу ерда Умаршайх мирзонинг ҳокимияти ҳали кучсиз эди. Амир Темурдан мағлуб бўлиб, аввал Оқ Ўрдага, сўнгра Мўғулистонга қочиб борган исёнчилар – Одилшоҳ жалойир ва Сари Буғолар Қамариддинни Фарғонага ҳужум қилишга ундайдилар.

Аввало, ушбу юришнинг вақти ҳақида фикр юритсак. Академик В.В.Бартольд Амир Қамариддиннинг мазкур юриши Амир Темурнинг 1376 йилги Хоразм юриши вақтига тўғри келишини қайд этиш билан чекланган [4.68]. Б.Аҳмедов Амир Қамариддиннинг ушбу юришини 1376 йилнинг январь ойида, Амир Темур Хоразм юришида эканидан фойдаланиб амалга оширилганини таъкидлайди [5.327]. О.Бўриев эса юришнинг аниқ вақтини қайд этмаса-да, Амир Темурнинг Хоразм юриши вақтида унга қарши исён бошлангани, Кармана атрофида мағлуб бўлган исёнчилар аввал Дашти Қипчоққа Урусхоннинг олдига қочиб боришгани, кейинча эса Мўғулистонга бориб Амир Қамариддинни Фарғонага юриш қилишга ундаганларини, сўнгра мўғул қўшини Андижон устига бостириб келганини баён қилади [6.97].

Тарихий манбаларда Амир Қамариддиннинг Фарғонага босқини вақти ҳақида бирмунча маълумотлар мавжуд. Шарафуддин Али Яздий ва Хондамир асарларида Амир Темурнинг Хоразмга қилган юриши 1376 йил баҳорида [1.79; 7.85-87], Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сида 1377 йил мартида [2.98], Муниддин Натанзий асарида эса 1378 йилнинг баҳорида бошлангани қайд этилган [3.190]. Воқеалар кетма-кетлигини таҳлил

қилсак, Шарафуддин Али Яздий ва Хондамирлар келтирган сананинг ҳақиқатга яқинлиги ойдинлашади. Кўриниб турибдики, Б.Аҳмедов Амир Қамариддиннинг биз кўриб чиқаётган босқини бўлиб ўтган йилни тўғри қайд этган бўлса-да, унинг қиш вақтида содир этилганини таъкидлаб, хатога йўл қўяди. Исёнчиларнинг аввал Дашти Қипчоққа, сўнгра Мўғулистонга қочиб борганини ҳисобга олсак, уларнинг Фарғонага юриши 1376 йилнинг ёзида бўлиб ўтгани ойдинлашади.

Умаршайх мирзо ўз қўли остида очиқ майдонда жанг олиб боришга қодир катта лашкар борлиги учун бўлса керак, Қамариддин қўшинлари бостириб келаётганини эшитиши билан Фарғона водийсининг Мўғулистон билан чегаралари томон йўлга чиқади. Низомиддин Шомийнинг маълумотига қараганда, у қоровул қўшини сифатида қозоқ ҳазорасидан тузилган лашкарни олдинга жўнатиб, ўзи уларнинг кетидан борган [2.100]. Қозоқ ҳазораси эса Умаршайх мирзо асосий қўшин билан етиб келмасдан душман томонига ўтиб кетган. Шарафуддин Али Яздий ҳам қозоқ ҳазораси Умаршайх мирзодан қочиб, душман томонига ўтиб кетганини қайд этади [2.80]. Натижада Умаршайх мирзо жангга кирмай қолган кучлари билан тоғлар томонга чекиниб, Амир Темурдан ёрдам сўрайди. Хондамир ҳам Умаршайх мирзонинг тоғларга яширинганини қайд этса-да, бошқалардан фарқли равишда Амир Темур ҳузурига вазиятни билдириш учун Донишманд исмли шахс жўнатилганини таъкидлайди [7.87]. Натанзий эса Умаршайх мирзо ўз ихтиёридаги қўшин билан душманга қарши бориб, Қарсоб соҳилида босқинчилар йўлини тўсгани, лекин жанг бошланиши олдидан уч минг кишилик қозоқ минглиги душман томонга ўтиб кетгани натижасида жангга кирмай, тоғ чўққиларига мустаҳкамланиб олгач, Самарқандга хабар жўнатганини таъкидлайди [3.191]

Умаршайх мирзонинг Қарсоб соҳилида мўғул қўшинини қарши олгани фақатгина Натанзийнинг асари орқали бизга етиб келган. Юқорида кўрганимиздек, Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийлар жанг бўлиб ўтган ҳудуд ҳақида маълумот бермаганлар. Қарсоб дарёси ёки сойи ҳақида бирор-бир манбада маълумот учратмадик. Лекин тарихий манбалардаги маълумотлар ва академик В.В.Бартольд асарларига илова тарзида тузилган хариталарга ижодий ёндашиб, Қарсоб дарёси ёки сойи Фарғона водийсининг шарқий чегараларидаги тоғларга яқин дарёлардан бирининг Натанзийда келтирилган номи деб тахмин қилиш мумкин. Умаршайх мирзонинг ҳам Андижонга чекинмай, тоғларга чиқиб кетиши бу дарёнинг тоғларга жуда яқин бўлганини кўрсатади. Балки, В.В. Бартольд харитасида кўрсатилган Ўзганд шаҳрининг шимоли ва ғарбидан оқиб ўтувчи Ясси номи билан берилган дарёни Натанзий Қарсоб деб атаган бўлиши мумкин. Бу дарёнинг юқори оқими Фарғона водийсининг шарқий чегараси бўлган Ясси довонига жуда яқин жойдан оқиб ўтади. Айнан шу ҳудудда Умаршайх мирзо мўғул босқинчиларига қарши чиққан бўлиши мумкин.

Академик В.В.Бартольд асарларига илова тарзида тузилган харитада ва С.Жалиловнинг «Бобурнинг Фарғона давлати» асарига илова қилинган харитада ҳам Қорадарёнинг ирмоқларидан бири Қуршаб номи билан берилган [10.145.]. Лекин унинг жойлашуви Ясси дарёсига нисбатан жанубда бўлиб, биз ўрганаётган жангнинг бу дарё бўйида бўлгани эҳтимоли жуда кам.

Юқоридагилардан тахмин қилиш мумкинки, Умаршайх мирзо Қамариддиннинг Фарғона водийсига бостириб киришидан ўз вақтида хабар топган, яъни чегара ҳарбий қисмлари ёки Мўғулистондаги тарафдорлари уни бу босқиндан ўз вақтида хабардор қилган. Шунингдек, унинг қўлида душман билан очиқ майдонда жанг олиб боришга қодир кучли лашкар бўлган. Амир Темур водий ҳимоясини мустаҳкамлаш учун марказий кучлардан ҳам ҳарбий қисмларни ажратган. Шунинг учун ҳам Умаршайх мирзо босқинчиларни водийнинг шарқий чегараларида, тоғ олди ҳудудларидаёқ кутиб олиб, улар билан очиқ майдонда ёки ўша давр тили билан айтганда, «масоф уруши» олиб бормоқчи бўлган.

Албатта, уч минг кишилик қўшиннинг душман томонига ўтиб кетиши Умаршайх мирзо лашкари учун катта йўқотиш эди. Шунингдек, бу хиёнат бутун лашкарнинг руҳиятига салбий таъсир ўтказганлиги шубҳасиз. Шунинг учун ҳам Умаршайх мирзо тоғларга чекинишга қарор қилади. У нима учун Андижон қалъасига чекинмади?

Биринчидан, Андижон қалъасигача бўлган масофада тартибли чекинишни олиб бориш, душманнинг таъқибидан ҳимояланиш жуда оғир кечарди.

Иккинчидан, Андижон қалъасини ҳимоя қилишга қолдирилган қўшин мавжуд бўлиб, Умаршайх мирзо уларнинг имкониятларига таянган.

Учинчидан, у ҳам қалъага кириб олганда, қамалда қолиб, водийнинг бошқа қисмларини назоратдан чиқарар эди.

Тўртинчидан, мўғуллар одатда шаҳарларни қамал қилишни ёки уларни ҳужум билан эгаллаб олишни ёқтиришмайди. Улар, агар шаҳар таслим бўлмаса, ҳимоячилар қўшинини шаҳар ичида қолдириб, ўзлари шаҳарнинг атрофини бемалол талон-торож қилишни хуш кўришади.

Бешинчидан, тоғларга чекиниш Умаршайх мирзога ҳаракат эркинлигини берарди. Натижада душман қўшини кичик гуруҳларга бўлиниб, қишлоқларни талон-торож қилиш учун тарқалганда, Умаршайх мирзо босқинчи тўдаларга самарали ҳужум қилиш имкониятига эга бўларди.

Балки, юқоридаги сабаблар туфайлидир, Андижонни штурм билан эгаллашга кўзи етмаган Қамариддин шаҳарни уч кун қамал қилгандан сўнг ортга қайтишга қарор қилади. Улар Умаршайх мирзо лашкарининг тўсатдан ҳужум қилишидан хавфсираб, талон-торож учун тарқалмай, ягона лашкар сифатида йиғиқ ҳолда Мўғулистон томон қайтиб кетадилар.

Амир Темур катта лашкар билан Фарғона водийсига етиб келгач, босқинчиларни жазолаш учун Мўғулистонга қарши навбатдаги ҳарбий юришини бошлайди. Барча манбалар Амир Темур душманга Мўғулистоннинг Отбоши мавзеида етиб олганини кўрсатади. Фақат Натанзий Отбоши мавзеи билан биргаликда Арпаёзи мавзеини ҳам тилга олган. В.В.Бартольд харитасига таяниб фикр юритсак, Амир Темур қўшини Андижон, Ўш, Ўзганд орқали шарққа қараб Ясси довонидан ўтиб, Мўғулистоннинг водий билан чегарадош ҳудудларидан аввал Арпаёзи, кейин Отбошига етиб борган. Биз фойдаланаётган харитада Арпаёзи мавзеи кўрсатилмаган бўлса-да, Арпа дарёси Отбоши мавзеидан 150-200 км ғарбда кўрсатилган.

Лекин бу сафар Мўғулистоннинг марказий ҳудудларига кириб борилмайди. Амир Темур Жаҳонгир мирзонинг вафоти сабабли Шимолий-ғарбий ҳудудлар орқали Сайҳун дарёсига етиб боради ва Самарқандга қайтиб кетади.

Шу ўринда Муиниддин Натанзий томонидан баён қилинган Умаршайх мирзонинг Қошғар юришига тўхталиб ўтиш жоиз. Бу юриш ушбу муаллиф томонидан батафсил баён этилган бўлса-да, нима учундир Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий асарларидан ўрин олмаган. Хондамир эса бу воқеага жуда қисқа бўлса ҳам тўхталиб ўтган: «...Умаршайх ва Хитой Баҳодир Қошғарга бориб, ул ҳудудни Хизр Хожа Ўғлон ва Худойдод мўғулдан тортиб олди. Ва Қошғарга асир қилиб олиб кетилган кишиларни Андижонга олиб келдилар» [7.87].

Қошғар мўғул босқинчиларнинг Фарғона водийсига жанубий-шарқий томондан бостириб киришлари учун энг қулай таянч ҳудудлардан бири эди. Амир Темур кўп бора Мўғулистонга юриш қилган бўлса-да, бу юришлар асосан Еттисув ва Мўғулистоннинг марказий, шимолий ва шарқий ҳудудларига зарба беришга мўлжалланган бўлиб, унинг жанубий қисмига етарли эътибор берилмаганди.

Умаршайх мирзо эса Фарғона водийси ҳокими сифатида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратди ва юришни Мўғулистоннинг жанубий ҳудудлари, жумладан, Қошғар томон бурди. Мўғул шаҳзодаларидан Хизрхўжа ўғлон, Шайхжон ўғлон ва йирик амир Худойдод жойлашиб олган Қошғар шаҳри яқинидаги қўрғон тўсатдан қилинган ҳужум туфайли эгалланади. Гарчи шаҳзодалар ва амир Худойдод қочиб кетишга улгурган бўлса-да, рақиб тўлиқ тор-мор келтирилади. Ушбу юриш сўнгида Умаршайх мирзо Қошғар шаҳрининг аҳолиси ва аслзодаларини, жумладан, Мўғулистоннинг нуфузли маликаси Мирак оғони Ўзганд яқинига кўчириб келтиради. Кўчириб келтирилганларнинг яшаши учун, Натанзийнинг маълумотига қарағанда, Работи Сарҳанг номли қасаба бунёд эттиради.

Ушбу юришнинг Натанзий томонидан қилинган батафсил баёнига диққат қилсак, Умаршайх мирзо томонидан унга жиддий тайёргарлик қилингани, барча ишлар олдиндан тузилган режа асосида кутилмаганда, жуда тезкорлик билан амалга оширилганини кўриш мумкин: «Амирзода Умаршайх олий фармонга кўра Қошғар томонга отланди. ... Мирак оғо беғаму бехавотир шаҳар ташқарисида катта қароргоҳ қуриб жойлашган эди. Амирзода Умаршайх ниҳоятда кордонлиги туфайли унинг қоровулларини қоровулгоҳда қўлга олди ва ярим кечаси сездирмасдан ўрдусининг чор-атрофини ўраб тушди. Мирак оғо отлиқлар кўтарган сурон садоси, бурғу ва нағора овозларидан роҳат уйқусидан уйғонди. ... Бутун бу қўрғондан фақат Хизрхожа ўғлон, Худойдод ва Шайхжон ўғлон қочиб кетишди. Қолган барча қўлга тушиб асир бўлишди. Амирзода бир неча кун бу мамлакатни фатҳ қилиш ва бошқариш ишларини йўлга қўйишга машғул бўлди, сўнгра Мирак оғони Қошғар аҳолиси ва аслзодалари билан Ўзжанд тарафга келтирди ва улар истиқомат қилмоғи учун Работи Сарҳанг номли қасаба бунёд этди» [3.191-192].

Гарчи Хондамир Қошғардан мўғуллар асирга олиб кетган водий аҳолиси қайтариб келинганини таъкидласа ҳам, бунга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки, агар фақат водий аҳолиси қайтарилган бўлганда, уларни Работи Сарҳангга жойлаштирмасдан, ўз уйларига рухсат бериб юбориш мумкин эди. Уларнинг ташкилий равишда маълум бир ҳудудга жойлаштирилиши Қошғар аҳолисининг мажбурий кўчириб олиб келинганидан далолат беради.

Бу юриш Фарғона водийси учун унга Шарқий Туркистондан аҳолининг кўчириб келтирилиши ва янги аҳоли яшаш мавзейи, яъни Работи Сарҳанг қасабасининг пайдо бўлиши билан ҳам аҳамиятлидир. Шу ўринда айтиб ўтиш зарурки, Хоразмшоҳлар давлати ҳудудининг шарққа томон

кенгайиши ва мўғуллар истилоси даврларида вайронага айланган Работи Сарҳанг қасабаси Умаршайх мирзо томонидан қайтадан қурилган бўлиши керак, чунки бу қасаба мўғул истилосидан аввал ҳам мавжуд эди [8.55]. Натанзий Работи Сарҳанг қасабасининг Ўзганд атрофида эканини таъкидлаган. Орадан юз йиллар ўтиб бу қасаба ривожланиб, Ўш ва Ўзганд атрофидаги катта бир туманнинг – ўрчиннинг марказига айланиб боради. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида Работи Сарҳанг ўрчини ҳақида бир неча бор тўхталиб ўтган. У Работи Сарҳанг ўрчини Ўш шаҳрининг шимолида жойлашгани, унинг кентларидан бирининг номи Оби Хон эканлиги ҳақида қуйидагича маълумот беради: «Ўшқа яқин етган маҳалда хабар топилдиким, мухолифлар Ўш навоҳисида тура олмай, Работи Сарҳанг ўрчини сариғаким Ўшнинг шимолидур тортмиш, ... ул тарафдин Танбал Андижондан ёниб Работи Сарҳанг ўрчини кентларидин Оби Хон деган ерга тушди» [9.62-63].

Умаршайх мирзонинг Қошғар юриши қачон амалга оширилгани хусусида тарихий манбаларда якдил маълумот йўқ. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу ҳақда фақат Муниддин Натанзий ва бу воқеалардан тахминан юз йил кейин яшаган Хондамир маълумот беради, холос. Агарда уларнинг маълумотларига таянадиган бўлсак, Амир Темур Қамариддинни Фарғонага бостириб киргани учун жазолаш мақсадида водий орқали Мўғулистонга юриш қилиб, рақибни аввал Отбоши ва Арпаёзи мавзеларида (Арпаёзи мавзеси фақат Натанзийда келтирилган), сўнгра Саккиз Ёғочда тор-мор келтиргандан сўнг катта ўғли Жаҳонгир мирзо вафоти муносабати билан ортга қайтади. Худди шу қайтишда Соҳибқирон Умаршайх мирзони ўзи билан олиб кетмаган, унга Мўғулистоннинг жанубий ҳудудларидан, жумладан, Қошғар ҳудудидан хабардор бўлиш, ушбу ҳудудда мўғул маликаси Мирак оғо раҳбарлигида тўпланган мўғул кучларини тор-мор этиш, сўнгра Ясси довони орқали водийга қайтиш ҳақида топшириқ берган бўлса керак. Чунки Натанзий ушбу юриш «олий фармон»га кўра амалга оширилганини таъкидлаган. Лекин бу юришни Умаршайх мирзо раҳбарлигидаги кейинги ҳарбий юриш билан адаштириб юбормаслик лозим. Чунки Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийда фақат Жаҳонгир вафотидан кейинги Умаршайх мирзо раҳбарлигида амалга оширилган юриш ҳақида сўз юритилади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Мўғулистон ҳукмдори Амир Қамариддиннинг Фарғона водийсига босқини 1376 йилнинг ёзида, Мовароуннаҳрдан қочиб борган исёнчиларнинг иғвоси билан содир бўлди. 1376 йилнинг баҳорида амирлар Одилшоҳ ва Ҳамдиларнинг исёнини тор-мор келтирган Амир Темурнинг Умаршайх мирзо бошчилигида маркази Андижон бўлган Фарғона улуси ёки мулкини ташкил этиши сиёсий ва ҳарбий нуқтаи назардан ўзини тўла оқлади. Мўғуллар Амир Темур ёрдамга етиб келгунига қадар Фарғона водийси шаҳарларини забт эта олмадилар ва чекинишга мажбур бўлдилар. Амир Қамариддиннинг Шарқий Туркистон ҳудудларида тор-мор келтирилиши ҳамда Қошғарда тўпланган мўғулларнинг ҳарбий қисмлари мағлуб этилиши Фарғона водийси хавфсизлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади.

Адабиётлар:

1. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А.Аҳмад ва Ҳ.Бобобеков. -Т.: Шарқ, 1997.
2. Низомиддин Шомий. Зафарнома.- Т. : Ўзбекистон, 1996.
3. Муниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. - Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. – Фрунзе: Киргизгосиздат, 1943.
5. Аҳмедов Б. Темур ва Қамариддин / Амир Темурни ёд этиб. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар (Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст) / форс тилидан таржима, муқаддима муаллифлари И.Бекжонов, Ж.Ҳазратқулов; масъул муҳаррир А.Аҳмедов; махсус муҳаррир В. Раҳмонов. – Т.: Ўзбекистон, 2013.
8. Наршаҳий. Бухоро тарихи – Т.: Шарқ баёзи, 1993.
9. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча. 1989.
10. Жалилов С. Бобирнинг Фарғона давлати.- Т.: Фан. 1995.

Фарғона давлат университети,
2018 йил 2 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. С.Ҳошимов)